

## МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ В ЗАНЯТИЯХ ЖИВОПИСИ, НАРИСОВАТЬ ЭТЮДЫ С МАСЛОМ, ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

**Ойдинов Шарип Бахронович**

*Преподаватель Самарканского государственного университета*

### ARTICLE INFO.

**Ключевые слова:** Простой карандаш, кисть, бумага, краски, простые натюрморты, натюрморт, пейзаж, этюд, необработанные картины, композиция, колористика, мастерство, способы изображения.

### Аннотация

В представленной научной статье освещены некоторые эффективные способы разумного использования этюдных работ при овладении будущим художником-педагогом живописью в совершенстве. Также в статье освещены начальные этапы устранения некоторых проблем, возникающих при обучении живописи.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Тасвирий санъат инсонлар қалбида эстетик жихатларини ривожлантириб тарихимизга, миллий урф одатларимизга, Ватанга, табиатга бўлган муҳаббатни ошиширади. Шунингдек ёшларни яхшиликга етаклаб дунё қарашини кенгайишига ва ҳар тамонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун яқиндан ёрдам беради. Уларни сабр тоқатли, чидамли бўлишларига ва меҳнат қилиш кўникмаларининг шаклланишига унрайди.

Олий ўкув юртлари тасвирий санъат машғулотларида рангтасвири этиодлар ишлашдан фойдаланиб ўргатишнинг ўзига хос аҳамияти бор. Этюд – рассомлар тамонидан рангтасвири асарларини яратиш учун бевосита натурадан ёки ҳаётдаги воқеалар асосида ишланадиган кичик лавҳа. Этюдлар чизишдан рангтасвири ўрганиш учун кенг фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Н. Ойдинов ўзининг “Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар” ўкув қўлламасида рангтасвири ҳақида шундай фикрларни баён этади. ...“Рангтасвири - асосан бўёқлар воситасида матога, деворга шунингдек, текислик ва юзаларга ишланадиган санъат туридир. Тасвириларнинг мазмунини, характеристи ва шунга ўхшаш барча хусусиятлари бўёқлар орқали ифодалаб берилса рангтасвири санъати деб аталади”... [1]. Рангтасвири - ҳақиқий ҳаётни акс эттириб, тамошабиннинг фикри ва хиссиётларига таъсир ўтказувчи тасвирий санъат турларидан биридир. Рангтасвири асарлари мазмунини очиб беришда ранглар муҳим рол ўйнайди. Рангларни тўғри танлай билиб, ҳар бир рангни топиб ўз ўрнида маромига етказиб рангтасвири ишлаш осон иш эмас.

Айниқса мойбўёқлардан фойдаланиб этиодлар ишлашдан аввал тасвирилашга оид маълум даражада билим кўникма ва малакага эга бўлиш керак. Бунинг учун қуидагиларга эътибор бериш лозим. Аввало тасвирилаш воситалари ва материалларидан тўғри фойдаланишни ўрганиб олиш керак. Тасвирилашни ўрганишда керак бўладиган тамонлардан бири бу тасвирилашнинг асосий қонун - қоидаларидир. Буларга қуидагилар киради. Перспектива қонуни, сурат текислиги, буюм текислиги, кўриш майдони ва кўриш бурчаги, уфқ чизиғи, фазовий

перспектива, чизиқли конструктив тузилиш, буюмларнинг нисбати, ҳажми кабилардир. Бу қоидалар тасвирий санъатга оид китобларда кенг ёритилган бўлиб, устозлар ҳар бир амалий машғулот дарсларида бу борада такидлаб ўтадилар.

Амалий жиҳатдан қаламтасвирда ишлаб билим, кўнирма ва малакаларини эгаллаш рангтасвирда яхши натижаларга эришишга ёрдам беради. Чунки барча рассомлар тасвирий санъатнинг қайси тур ва жанрида ижод қилмасинлар улар биринчи навбатда оддий қаламдан фойдаланиб расм чиза бошлайдилар. Шунингдек оддий қаламда хомаки расмларни мунтазам равишда чизиб боришининг ҳам тасвирлашни ўрганишда аҳамияти катта. Тасвирлашни ўрганиш жараёнида талаба аввалига бир неча хомаки расмлар ишласа унинг қўли, чизик ва чизиқчаларни аниқ ва тўғри чизишга келишиб қолади. Шундан сўнг айланга, эллипс, бурчакларни тўғри қуриш, уларни тенг бўлакларга бўлиш каби машқларини бажариш керак. Оддий қаламда чизишни ўрганиб олгандан сўнг, оддий натуралардан ташкил топган натюромортлар тасвирини чизишга киришилса тўғри бўлади.

Тасвирий санъат жанрларидан бири бу натюроморт деб аталади. Натюроморт-французча сўз бўлиб “жонсиз табиат” деган маънони билдиради. Натюроморт жанри ҳақида Н. Ойдинов ўзининг “Рассом-ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари” монографиясида шундай фикрларни келтириб ўтади ...“Маълумки, ҳар бир рассом тасвирий санъат сирларини ўрганишни натюроморт ишлашдан бошлайди. Буюмлар ва нарсалар шаклини, формасини, характеристерини ўзлаштириш санъатнинг бошқа жиҳатларини ва турларини ўрганишдаги дастлабки сабоқлар вазифасини бажаради”... [2]. Мойбўёқда энди расм ишлашни ўрганувчилар тезда мувафақиятга эришишлари анча қийин жараён ҳисобланади. Шунинг учун аввалига сув бўёқ яъни акварел бўёғидан фойдаланиб натюроморт рангтасвирини ишласалар тўғри бўлади. Акварелдан фойдаланиб рангтасвир ишлаганда қофоз етарли даражада сифатли ва оқ рангда бўлиши керак. Хомаки расмлар ишлаганда эса оддий юпқа ёки қалин, рангли ёки рангсиз қофозлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин узоқ муддатли қаламтасвирлар ишлаганда қофозларнинг анча пишикроғи яъни чизиқларни ўчирганда уваланмайдиган ифлос бўлмайдиганини танлаш керак.

Акварелда рангтасвир ишлашда қофознинг юзаси ғадир-будур бўлса янада яхши. Расм чизища кўпинча турли қаттиқликдаги ва юмшоқликдаги оддий қаламлардан фойдаланилади. Акварелда этюд ва рангтасвирлар ишлашда имкон қадар қаламни қаттиқ босмасдан чизиш тавсия этилади. *Расм* чизища юмшоқ сифатли ўчиргичлардан фойдаланган маъкул. У қофоз юзасидаги қалам изларини шикаст етказмасдан ўчиради. Кераксиз чизиқларни ўчиришда ўчириғични қаттиқ босмасликка, иложи борича ўчириғичдан камрок фойдаланишга одатланиш лозим. *Мўйқалам* эса оддий қалам билан рангтасвир ишлашга мўлжалланган тасвирларни бўяш учун керак. Акварел бўёғида тасвирлар ишлаганда майнин мўйнали мўйқаламлардан фойдаланилади. Улар олмахон, қуён каби ҳайвонларнинг мўйналаридан тайёрланади. Гуаш, темпера, мой бўёқларда ҳам ўзига хос мўйқаламлардан фойдаланилади.

Сув бўёқлардан фойдаланиб рангтасвирда маълум бир мувафақиятларни қўлга киритгандан сўнг, мойбўёқларда тасвирлар ишлашга киришилса тўғри бўлади. Мойбўёқда расм ишлашга киришишдан аввал унда керак бўлган иш қуроллари ва материаллари билан танишиб ва улардан тўғри фойдаланишни ўрганиб олиш керак. Акварел бўёғида расм ишлаганда оддий юзи ғадур-будур, оқ сифатли қофоз танланади. Шунингдек шу оқ қофозга акварел бўёғидан фойдаланиб рангтасвирда бемалол ишлаш мумкин. Мойбўёқда эса бир неча материалларнинг текис юзаларига тасвирлар ишлаш мумкин. Буларга қуйидагилар киради. Мато (холст), тахта, картон ёки қалин қофоз бўлиши мумкин. Аммо бу материалларга акварелда оқ қофозга ишлаган каби дарҳол ишлаб кетишнинг иложи йўқ. Уларга аввалига маҳсус клей ва оқ умулциядан тайёрланган суюқликни (грунтни) бир ёки бир неча маротаба катта мўйқаламда суртиб куритиш керак бўлади. Куриган юзани жилвир қофоз билан силлиқлаш ҳам керак. Рангтасвирчи рассомлар одатда кўпроқ матодан фойдаланадилар. Мойбўёқда рангтасвирлар ишлашга

мүлжалланган тайёр матолар (холстлар) кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Мой бўёқда рангтасвирлар ишлашни бошлиётгандар учун тайёр матолардан (холстлардан) фойдалангани маъкул. Оддий матоларга мойбўёқда ишлаш учун, уларни тайёрлаш бир оз мураккаб жараёндир. Малик Набиев ўзининг “Рангшунослик ва рангтасвир технологияси” ўқув қўлланмасида шундай ёзади …“Агар грунтсиз холостга мойбўёқ билан ишланса, бўёқ жуда кўп сарф бўлади, бўёқ мойини холост шимиб кетаверади, натижада ишланган сурат қорайиб кетади, ёрилади ва сурат ишдан чиқади.

Холостни грунтлашдан мақсад шуки, мойбўёқ билан ишланадиган сурат холостга яхши бирикиши, ёрилмаслиги ва кўчиб тушмаслиги керак. Холостни грунтлашда оқ ёки рангли грунт қилиш мумкин”… [3]. Рангтасвирчи рассомлар матоларни тагромларга тортиб ишга тайёрлашда унга суюқ элим ва оқ бўёқ имулсияси суртиб хона ичкарисида аста-секинлик билан қуриладилар. Шунда мато мойбўёқда тасвирлар ишлашга тайёр бўлади. Хуллас мойбўёқда рангтасвирлар ишлаш учун мўлжалга олинган тахта, картон ёки қалин қофозга ҳам рассом тамонидан суюқ клей ва оқ имулсияларни аралаштириб суртиб тасвирлаш учун тайёр ҳолатга келтирилади. Бўлажак рассом аввалида бу жараённи тўғри бажара олмайди. Албатда бунда керакли маҳсус адабиётлар билан яқиндан танишиш ва устозлар кўмагидан фойдаланиш лозим.

Мойбўёқлардан фойдаланиб этюд ва рангтасвирлар ишлагандан сўнг иш қуроллари ва материалларини асраб қўйишнинг бир оз қийинчилиги бор. Бу жараён айниқса табиат қўйинида этюдлар ишлаганда ҳаттоки ўқув хонасида рангтасвирлар ишлагандан ҳам сезилади. Акварел бўёғида рагтасвирлар ишлаб иш якунида политрани бир четга олиб қўйишда муаммо бўлмайди. Аммо мойбўёқда ишлаб бўлиб сўнг эса политрани ҳоҳлаган жойга ёки идишга, портфелга жойлаштириб бўлмайди. Чунки уларда ишлатилмай қолган бўёқлар бўлиши мумкин. Мўйқаламлардаги бўёқларни ҳам тозалаб олишни имконияти бўлганда ҳам исталган идишга солиб қўйиш тўғри келмайди.

Бўёқлар, мўйқаламлар, маҳсус эритувчи суюқлик ва политраларни тартибли, сақлаб юриш учун керакли маҳсус мослама этюднидан фойдаланиш лозим. Этюднидан ўқув хонасида ва очиқ ҳавода рангтасвирлар ишлашда кенг фойдаланиш қулайдир. Акварел бўёғида расм ишлашни ўрганаётганда кўпи билан 3 дона яъни кичик, ўрта ва катта ўлчамдаги мўйқаламлар бўлса этарли бўлади. Мойбўёқлар билан ишлашда турли ҳил катта ва кичикилгидаги мўйқаламлар таҳминан 8-12 дона бўлиши керак. Булар орасида кураксимон, ясси шунингдек қаттиқ муйнали, дағал мўйқаламлар бўлиши керак. Иш жараёнининг айрим нозик ва кичик жойларида акварел мўйқаламидан фойдаланиш мумкин. Иш яқунлангандан кейин мўйқаламларни ювиб тозалаб қўйиш керак. Акс ҳолда бўёғи билан қуриб қотиб қолган мўйқаламни қайта ишчи ҳолатига келтириш жуда қийин.

Мойбўёқда ишланган рангтасвир асарлари ўзига хослиги билан фарқ қиласи. Албатда мойбўёқ билан ишлашдан олдин у ҳақидаги маълумотларни, билимларни яхши билиш зарур. Мойбўёқлар билан этюдлар ишлаб бориш рангларнинг имкониятини ва ранглар технологиясини яхши ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Мана шундай ишлашни мунтазам равишда давом эттириб бориш рангтасвир асарлари билан яқиндан танишишга ва рангтасвир асарларини вужудга келишига ёрдам беради. Хозирги давримизда мойбўёқлардан фойдаланиб тасвирлар ишлаш ўзига хос тарзда кўпайган. Чунки мойбўёқларни ишлатишнинг бирмунча қулай имкониятлари бор. Мойбўёқлар қуюқ ҳамирсимон кўринишда бўлади. Шу сабабли акварел бўёғи каби мўйқаламдан ва текислик юзасидан оқиб кетиш ҳоллари учрамайди. Мойбўёқларнинг сув бўёқлардан фарқли тамонлари шундаки у жуда аста-секинлик билан қурийди. Бу хусусияти эса текисликда кўйилган бўёқга анча узоқ вақт мобайнида ишлов берса бўлади. Мойбўёқнинг қулай тамонларидан бири шуки кўйилган ранг акварел ёки гуаш бўёғи каби ўзгармайди. Ранг нотўғри кўйилган бўлса, кўйилган ранг қуриганидан сўнг яна тўғрилаш имконияти бор. Мойбўёқларни хар-хил ҳолатларда яъни қуюқ ва суюқ ҳолатларда ишлатиш мумкин.

Барча бўёқ турларидан фойдаланиб рангтасвирда расм чизишни ўрганишдан олдин, гризайл

услубидан фойдаланиш керак. Талаба рангтасвирда расм ишлашни ўрганишида аввалига гризайл усулида яъни битта рангдан фойдаланиб расм чиза бошласа тўғри бўлади. Масалан қўк, жигар ранг, яшил, қизғиш, қора ранглардан фойдаланиш мумкин. Ушбу рангларнинг фақат биттасидан фойдаланиб тасвирлар ишлаш, кўп ранглардан фойдаланиб рангтасвир ишлашда яқиндан ёрдам беради.

Мойбўёкларда ҳам этюдлар ишлашни натюромортдан бошласа анча қулайликларга эришилади. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш керак. Расм чизиш учун керакли натуралар, турли хил буюмлар ва рангли матолар танлаб олинганидан сўнг уни мақсадга мувофиқ тўғри жойлаштириш мүхим. Оддий буюмлардан натюромортлар тузиш ҳақида А. С. Ўралов “Мўжиза яратиш санъати” ўқув қўлланмасида шундай ёзади ...“Расм чизиш учун натуралардан исталганини танлаш мумкин. Лекин энди расм чизишни ўрганаётганлар учун энг оддий ва кам буюмлар (натюроморт) расмини чизишдан бошлашни маслаҳат берилади”... [4]. Хона ичкарисида натюромортни жойлаштиришда эса унга яхши ёруғлик тушадиган жойни танлаш керак. Натюромортга ёруғлик бир тамондан тушса тўғри бўлади. Шунда ёруғ-соялар аниқ ва равshan кўринади. Бу эса буюмларнинг ҳажмдорлиги ва рангларининг яхши тарқалишига ёрдам беради. Тасвирлаш жараёни енгил, осон ва қизиқарли кечади. Натюромортни ёруғликдан қанча узоқлаштирилса, ундаги ранглар ва буюмлар хиралашиб кўрина бошлайди.

Натюромортларни тузишида кўпинча уй рўзгорда ишлатиладиган турли хил буюмлар, ўқув ва дурадгорлик қуроллари, гуллар, сабзавот ва мевалар, спорт буюмлари ва хакозалардан фойдаланиш мумкин. Кўйилган натюромортни бир тамондан этюдини ишлаб якунлангандан сўнг, уни яна турли тамонлардан тасвирлаш мумкин. Масалан, натюромортнинг тўғрисидан, чап ва ўнг тамонларидан, рассом озгина сурилиб, бир неча тамонлардан этюдини ишлаши мумкин.

Тасвирий санъатда табиатни тасвирлаш манзара жанри дейилади. Манзарачи мусавиirlар ўз асарлари билан табиатни севишга, уни эъзозлашга ва бу гўзалликлардан завқланишга ундейдилар. Ўз тасвирларида фақатгина табиат гўзаллигини намойиш қилибгина қолмасдан, турли ғоя ва фикрларни ҳам ифода этадилар.

Талаба мойбўёклардан фойдаланиб табиат манзараси этюдларини ишлаганда тасвирий санъатнинг асосий қонун-коидаларига риоя этиш билан биргаликда табиат кўринишларини тўғри тасвирлашни билишлари керак. Эндиғина тасвирлашни ўрганаётган талabalар табиатнинг катта кенгликларини тасвирлашда қийланиб қоладилар. С. Абдирасилов, Н. Толипов, Н. Ориповалар ўзлариниг “Рангтасвир” ўқув қўлланмасида шундай фикрларни баён этадилар ...“Тажрибасиз рассом узоқда жойлашган (100—300 м) кўкатлар рангини худди олдида тургандек кўради. Ваҳоланки, йироқдаги ранг мутлақо бошқача кўринади; яшилнинг нозик ранглари ва унинг тўйинганлиги узоқлашиш таъсирида албатта ўзгаради. Тажрибасиз рассомларнинг асосий камчилиги: ишни яхлит кўрмаслик, майда шаклларни тасвирлаш билан чалғиб ишни самарали якунлай олмайдилар” ... [5]. Шунингдек тасвирлашни энди ўрганаётганлар учун табиатнинг кичик бўлакларини, қизиқарли жойларини танлаб тасвирлаш тавсия этилади. Дейлик очиқ ҳавода, табиат қўйнида кичикроқ баландлиги 3-4 метр бўлган ёш дарахтни бор бўйи басти билан тасвирлашни бошлаймиз. Дарахтнинг энг пастки қисми яъни ердан ўсиб чиқсан жойини ва унинг энг баланддаги шох шаббаларини ҳам умуман бутун кўринишини қофозга тўғри жойлаштириб оламиз. Шундан сўнг, уйғунлаштириб дарахт атрофида кўринаётган табиат бўлакларини ҳам чизиб жойлаштирамиз. Дейлик тасвирлаётган кичик бир дарахт тоғ кенгликларида жойлашган бўлиши мумкин. Унда дарахт остида турли катта-кичик тош бўлаклари тупроқ, қум, шох-шабба ва ўсимликлар бўлиши мумкин. Кичик дарахтнинг орқа тамонида эса тоғ ва қирлар кўриниши, уйлар, ҳайвонлар, одамлар ва бошқаларни кўришимиз мумкин. Ана энди эътибор қилиб қарасак битта кичик ёш дарахтни тасвирлашимиз жараёнида унинг билан биргаликда табиатнинг қанча кўринишлари, бўлакларини тасвирлашга тўғри келмоқда. Худди шундай баландлиги 3-4 метр бўлган бир хил узоқликдаги ёнма ён турган 2 та

даражтни, тахминан 7-14 метр узоқликдан туриб уларни биргаликда тасвирашга ҳаракат қилсақ, унда табиат бўлакларини яна бир баробар кўпайганини сезамиз. Бу эса бўлажак рассомдан янада кўпроқ вақт ва меҳнат, билим, кўникма ҳамда малака талаб этади. Табиат бўлакларини қанчалик кўп танлаб, тасвирашга киришилса, тажрибасиз рассом қийналиб қолади. Шу сабабли ёш рассом мойбўёклардан фойдаланиб табиатни тасвирашда унинг кичик-кичик бўлакларидан тасвирашни бошлагани маъкул. Табиат кўринишларини тасвирашда тажрибалар ошган сайин, табиатнинг катта кенгликларини тасвирашни оз-оздан кўпайтириб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Тасвирий санъатнинг бошқа жанрларида этюдлар ишлаганда ҳам тасвирашни энг оддий қулай томонларидан чизишни бошлаш керак. Тажрибалар ошган сайин мураккаб композитцияларни тасвирашга ўтиб борилади.

Талабаларга рангтасвири мукаммал ўргатишида этюдлар ишлашни тўғри ташкил этиш лозим. Албатта маълум даражада ютуқларни қўлга киритиш учун рангтасвирига оид назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаш билан биргаликда ўз вақтида меҳнат қилишни ҳам унутмаслик лозим. Тасвирий санъат машғулотларида рангтасвирини яхши ўзлаштириш учун хомаки расмлар ишлаш каби этюдлар бажариш ҳам зарур бўлади. Рангтасвири машғулотларида талабларга уйга вазифа қилиб этюдлар бажариб келиш топширилади. Аммо айрим талабалар тасвирашни яхши ўзлаштиришда қоралама ва этюдлар ишлашнинг аҳамияти йўқ деб ўйлайдилар. Шунингдек, амалий машғулот дарсларида ишланадиган узоқ муддатли рангтасвириларини яхши ўзлаштириш учун етарли деб тушунадилар. Бундай фикр юритиш хато албатта. Келинг фикрларимизни жисмоний тарбия дарслари билан боғлайлик. Ҳаммамизга маълумки, жисмоний тарбия дарсларида устозлар амалий машғулот бошланиши аввалида шогирдларига турли енгил жисмоний машқларни бажартирадилар. Бунга мисол қилиб талабаларга спорт майдони бўйлаб аста-секинлик билан югуриш машқлари ўтказилади. Ундан сўнг қўл, оёқ ва тананинг бошқа аъзолари ёрдамида енгил ҳаракатлар бажартирилади. Шу жараёнда нафас олиш ва нафас чиқариш машқларини ҳам бажарилади. Бу билан устозлар талабалар организимини навбатдаги мурраккаб жисмоний машғулотларига тайёрлайдилар. Яна шу ўринда бир фикрни таъкидлаб ўтилса тўғри бўлади. Ёш ҳаваскор спотчилар орасида келажакда жаҳонга машҳур етук спортчи бўлиб танилишни ҳоҳлайдиганлари кўпчиликни ташкил этади. Унда бу спортчиларга таълим муассасасидаги дарс машғулотлари етарли бўлмаслиги ҳаммага кундек равshan. Бунинг учун бўлажак ҳаваскор спортчи мустақил равишда ҳар куни эрта тонгда югуриши ва бадан тарбия машғулотларини бажариши керак. Спорт машғулотларига бормаган кунлари эса ўзи мустақил равишда керакли бўлган жисмоний тарбия машқларини бажариши керак. Шунингдек, назарий билимларни ҳам ўз вақтида эгаллаб борилса ҳамда устозлар ўгитига амал қилинса, бу ҳаваскор спортчилардан келажакда жаҳонга машҳур спортчилар чиқиши мумкин. Бу фикрдан шундай хулоса келиб чиқадики мойбўёқда рангтасвири мукаммал тасвирашни ўрганмоқчи бўлган талабалар ҳам ўzlари мустақил равишда кўплаб этюдлар, қораламалар, композитциялар ишлашлари керак.

Талабаларнинг айримлари этюдлар ишлашни ўз вақида бажариб бормаслиги сабабли узоқ муддатли рангтасвири ишлаш жараёнида ижобий натижаларга эриша олмайди. Шу сабабли рангтасвири ишлаш жараёнида муаммо ва қийинчиликларга дуч келади. Ишида нуқсонлар кўплиги сабабли биринчи навбатда ўзини ишлаётган рангтасвиридан кўнгли тўлмайди. Маълум бир вақт оралиғида бажариладиган рангтасвири ишлаш жараёнига ҳар қанча вақт ва меҳнат сарфлансада, иш беўхшов бўлиб қолаверади. Этюдлар ишлашдан ўринли фойдаланишни ўрганиш эса тасвирий санъатнинг барча жанрларида рангтасвири ишлаш самарадорлигини оширади. Айни дамда узоқ муддатли чизиладиган амалий машғулотларга тайёргарлик ҳам бўлади. Бу борада тажрибали педагог Барно Азимова ўзининг “Натюроморт тузиш ва тасвираш методикаси” ўкув қўлланмасида шундай ёзади. ...“Ҳар бир узоқ муддатли иш олдидан, албатта тез бажариладиган кичикроқ этюд ишлаш лозим. Бундай этюд натюромортнинг композитциясига ва умумий рангига мос формат топишда ёрдам беради”... [6]. Бу фикрдан кўриниб турибдики этюдларни мунтазам

равища бажариш бўлажак рассом-ўқитувчиларнинг рангтасвир ишлаш қобилятини, билим, кўникума ва малакаларини ошириб боради. Тасвирлаш жараёнининг маълум бир босқичида чизишни қандай давом эттиришни билмай тўхтаб қолиши, яъни тасвирдаги камчиликларни бартараф эта олмай қолиш ҳолатлари деярли учрамайди. Бунинг натижасида тасвирлаётган рангтасвирига қанча вақт ажратилса, шунчалик жилоланиб-жонланиб бораверади.

Бўлажак рассомнинг мунтазам равища рангли этюдлар бажариши натижасида, унда ранг кўриш, ранг ажрата олиш, рангни танлай олиш, ҳамда ранглардан ўринли фойдалана олиш, ранг муносабатлари билан ишлаш қобилятлари ривожланади. Рангтасвирда асарлар яратишда ранг муносабатлари билан ҳам ишлашни билиш керак. Этюдлар ишлаш жараённида тажрибалар ошган сайин ранг муносабатлари билан ишлаш ҳам ривожланиб боради. Тасвирий санъат машғулотларида талабаларнинг рангтасвирига оид назарий ва амалий билим, кўникума ва малакаларини ўз вақтида эгаллаб боришлари натижасида аста-секинлик билан ижодий қобилятлари ривожланиб, бўёқлар билан ишлаш технологиясини ҳам яхши ўзлаштириб оладилар.

Бўлажак рассом ишлаган энг яхши этюдлари ва рангтасвирларини ҳар доим имкон қадар ўзига кўринадиган жойга қўйса унга илҳом ва куч бағишлиб туради. Рассом ўзи чизган мойбўёқ этюдларини кўрганда қайсиdir жиҳатларидан завқ олади. Бу эса аста секинлик билан завқланиш ва илҳомланиш натижалари янада ижод қилишга ундейди. Маромига, етказиб ишланган рангтасвир ижодий иши аввало, рассомни ўзига маъқул бўлади. Ижодкорни завқлантирган, илҳомлантирган рангтасвирлар, албатта, томашабинни ҳам диққатини тортади. Мана шундай изланишларни давом эттириб бориш, рангтасвир асарларини вужудга келишига сабаб бўлади.

### **Адабиётлар**

- 1 Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1997. – 9 б.
- 2 Ойдинов Н. Рассом-ўқитувчиларни тайёрлаш муаммолари. –Т.: “Ўқитувчи” -“Зиё-ношир”, 1997. – 18 б.
- 3 М. Набиев. Рангшунослик ва рангтасвир технологияси. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1995. – 35 б.
- 4 Ўролов С. Мўжиза яратиш санъати. –Т.: “Мехнат” нашриёти, 1996. –9 б.
- 5 С. Абдирасилов, Н. Толипов, Н. Орипова. Рангтасвир. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2006.–87 б.
- 6 Б. Азимова. Натюрморт тузиш ва ишлаш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1997.–42 б.